

05_737/3280 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДАШАРТНОМАСИ
Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкilotлари) учун

Андижон ш.

2022 йил "11" январь

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил "30"декабрги 27-01-14/6027-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Андижон филиали директори Ш. Н. Ахмедов(кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамаси хузуридаги давлат тест маркази номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи М. Каримов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қўйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZрасмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий тақлифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегиши молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептими) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишили оловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг 1-сонли оловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сума Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч)** банк куни ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланисини вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдинни олишина истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равиша блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Офера қоидлари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн)** иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътироzlарини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишили тарзда кўrсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътироzlари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичиган бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганилиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиши тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибига солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки ҳатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzonoma/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилиди ва тегиши шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномода ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзолangan пайтдан бошлаб, кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга** қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгилangan амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (**бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди**) ўз шартларини бажаришни давом эттиrsa ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулқдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичida бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равиша расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолangan ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“Ўзбектелеком” АҚ Андикон филиали	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази
Манзил: Андикон ш., Лермонтов к., 12.	КАЗНАЧЕЙСТВО МФ ИИН: 201122919
Банк маълумотлари:	Манзил: Р/с: 2340 2000 3001 0000 1010
x/r: 20210000104074838308	Банк маълумотлари: в РКЦ ГУ ЦБ МФО: 00014
СТИР: 203366731	x/r: ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЦЕНТР ТЕСТИРОВАНИЯ
МФО: 00401	СТИР: 100084, г. Ташкент, Юнусабадский р-н, ул. Бозшамол, 12
Банк: АТБ “Алокабанк” Тошкентфилиали	МФО: ИН: Банкобозбо ОКОНХ: 87100 ОКЭД: 84111
Тел: (74) 224-0424, (74) 226-2003	Тел: Л/с: 400110860262667096300045001
E-mail: andtel@uztelecom.uz	Тел.: 234-07-22, Факс: 234-71-84
 Оператор номидан: Ахмедов Шукратоек Нумонжанович / 	 Абонент номидан: М.Каримов / 
M.ў.	M.ў.

2022 йил “12” январь
№ 05_737/3280 - сонли абонент шартномасига
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта(сўм)

t/p	Хизматларни ми	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
1.1	Рўйхатдан утиш ва урнатиш учун			1	0,00
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари					
2.1	Бир ойлик абонент тўлови интернет хизмати учун	300 000,00		12	3 600 000,00
Жами (олдиндан тўлов)					3 600 000,00

Жами олдиндан тўлов миқдори 3600 000.00 (уч миллион олти юз минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида. Ундан 300 000.00(уч юз минг)сўм ойлик тўловни ташкил килади.

ОПЕРАТОР:

“Ўзбектелеком” АҚ Андижон филиали

Оператор номидан:



Ш.Ахмедов

АБОНЕНТ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамаси
хузуридаги давлат тест маркази

Абонент номидан:



Рахбар

ИМЗО/

М. Каримов